

## ЕСГ & ҲСЕ 22 октябр учун мұхим вөкөалар

**Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК), Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) ва WSP иштироқида Иккинчи Ижтимоий ва Экологик Кузатув Ташрифи**

ХМК, ЕТТБ ва WSP мустақил консалтинг компаниясینинг 15 нафар расмийси 10-14 октябр кунлари Индорам Агро МЧЖ ҲҚ иш жойларида иккинчи кузатув ташрифини ўтказди. Мураккаб йўналиш ва келишилган кун тартибига эна бўлган ташриф Индорама Агро корпоратив оғисининг Тошкентдаги очилиш учрашуви билан бошланди. Ҳафта давомида уларнинг умумий баҳолаш кузатувлари пахта тозалаш заводлари, омборлар, биолаборатория ва пахта қабул қилиш пунктларида ташрифни ўз ичига олди. Асосий эътибор тўғридан-тўғри ва шартномавий фермер хўжаликларида ва уларга туташ обьектларда давом этажтган йигим-терим пайтида қабул қилинган соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик қоидалари, фаровонлик ва шароитлар, ва сув таъминотини бошқаришга қаратилди. Манфаатдор томонларни жалб қилиш даражаси ва қайта тузилган мурожаатларни кўриб чиқиш механизмининг самарадорлиги иккита маҳалла йиғилиши ва касаба уюшмалари аъзолари билан ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган сухбатлар давомида баҳоланди. Ҳужжатларни кўриб чиқиши бўйича режалаштирилган сессия ва контракт бўйича фермерлар билан бир соатлик муҳокама кредиторларга Индорама Агронинг фермерларга олдиндан молиялаштириш ёрдамини тушунишга ёрдам берди. Мехмонларга иссиқхона, тут плантациялари каби хайрли ташабbusлар ҳам намойиш этилди.

Индорама Агро МЧЖ Мансабдор шахслари ва кредиторлар лойиҳага оид атроф-муҳит ва ижтимоий бошқарув тизими (ESMS) ва ХМКнинг атроф-муҳит ва хавфсизлик бўйича умумий кўлланмасига (2007) мувофиқлаштириш бўйича тараққиётни муҳокама қилдилар.

WSP консалтинг компанияси 2022 йил июн ойида биринчи кузатув сафаридан бери амалга оширган турли чора-тадбирларни амалга оширишдаги яхшиланишларни юқори баҳолади.



*Фотосуратлар: ХМК, ЕТТБ ва WSP консалтинг маҳаллий Al Maar Consulting компаниясининг иккি ходими билан биргаликда Қашқадарё вилоятидаги Индорама Агро обьектларига иккинчи экологик ва ижтимоий мониторинг ташрифи чогида.*

### Осиё Тараққиёт Банки ташрифи - Экологик ва Ижтимоий мавзулар

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) вакилларидан иборат гүруҳ 2022-йил 17-20 октябр кунлари Индорама Агро МЧЖ обьектларида экологик ва ижтимоий экспертиза ўтказиш учун Ўзбекистонда бўлди. Ушбу ташрифнинг асосий мақсади Индорама Агронинг қишлоқ хўжалиги фаолиятининг экологик ва ижтимоий таъсирини баҳолаш ва уларни юмшатиш чораларини тавсия қилиш эди. Ушбу банк текширув ташрифи, шунингдек, Индорама Агро МЧЖнинг ОТБ сиёсатлари, стратегиялари ва ОТБнинг 2009 йилдаги Ҳимоя сиёсати баёноти, Ижтимоий ҳимоя стратегияси (2001), ОТБнинг гендер ва ривожланиш бўйича сиёсати (2003) каби фаолият кўрсатмаларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат эди.

ОТБ Индорама Агро МЧЖни кафолати билан барқарор ривожланиш билан боғлиқ бўлган 2 йиллик гаровсиз кредит билан таъминлаш имкониятини кўриб чиқмоқда. Кредит Индорама Агро МЧЖнинг пахта ва буғдой бўйича фаолиятларини молиялаштириш учун, хусусан, пахта ва буғдой ишлаб чиқариш шартнома бўйича фермерлар учун ишлатилади. Кредит озиқ-овқат хавфсизлигини қўллаб-қувватлади ва Ўзбекистонда фермерчиликни барқарорлашга ёрдам беради.

Ташриф давомида пахта тозалаш заводлари, омборхоналар, турар-жой бинолари ва машина трактор стендлари бўйича умумий кузатувлар ўтказилди, шунингдек, компаниянинг мураккаб ва кенг кўламли фаолиятининг турли жиҳатларини тушуниш учун Индорама Агро МЧЖ расмийлари ва деҳқон ишчилари билан мулоқот ўтказилди. ОТБ жамоаси икки вилоятдаги маҳаллалар ва ҳокимликлар билан ҳам учрашиб, Қашқадарёдаги пудратчилик далаларида бўлди.



Фото: ОТБ масъулларининг “Фазли” пахта тозалаш ва пахта қабул қилиш пунктига ташрифи

#### **Кимёвий хавфларни бошқариш ўқув машғулоти**

Ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик ва коммерция бўлимларидан жами 16 нафар ходимимиз Саломатлик, хавфсизлик ва атроф-муҳитнинг “Қишлоқ хўжалигида кимёвий хавфларни бошқариш” онлайн курсини тамомлаганларни учун табриклаймиз. Ушбу 4 модулли онлайн курс уларга қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий моддалар таъсирида бўлган ишчиларнинг соғлиғига хавфларни бошқариш асослари ҳақида билим олишга ёрдам берди.



Фото: "Агросаноат мажмусида кимёвий хавсизликни бошқариш" онлайн курсини тамомлаган ходимлар 2022-йил октябрь

**Қашқадарё вилояти, шартномавий дәхқончилик – Компания мурожаатлар механизми хуқуқпарварлар билан мулоҳаза**

31-октабр куни Экологик ва Ижтимоий Бошқарув (ЭИБ) гуруҳи Индорама Агро МЧЖнинг шартнома асосида тузилган фермер хўжаликларида пахта йиғим-терими пайтида юзага келган муаммолар юзасидан мурожаатларни ҳал қилиш учун Тошкент шаҳрида тайинланган воситачилик гуруҳи билан учрашди. Учрашувни ЕСГ бўлими бошлиғи Жаноб Vivek Садевра очиб берди ва бўлим Буш мутахассиси Исройлжон Ҳакимжонов қўшимча тақдимот қилди. Учрашув иштирокчилари янги ташкил етилган Индорама Агро МЧЖнинг ИФС ва ЕТТБ стандартларига мос келадиган шикоятлар механизми тартиблари билан танишдилар. Турли масалалар юзасидан келиб тушган шикоятлар муҳокама қилиниб, ечим юзасидан жавоблар берилди. Учрашув Индорама Агро МЧЖ гуруҳи ва инсон ҳуқуқлари гуруҳининг тавсиялари билан якунланди.



Фото: Индорама Агро МЧЖ раҳбарлари "Ичан қала" меҳмонхонасида Воситачилик гуруҳи ва Инсон ҳуқуқлари гуруҳи билан учрашуведа, Тошкент, 31-октабр, 2022-йил.

**Qashqadaryo viloyati – Favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik va fuqaro muhofazasi bo'yicha amaliy taktik o'quv mashg'uloti**



Foto: Qashqadaryo viloyati, Mug'lon paxta tozalash zavodida 2022-yil 10-oktabr kuni favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasiga tayyorgarlik ko'rish bo'yicha o'tkazilgan o'quv mashg'uloti haqidagi teleko'rsatuvidan lavha

Mug'lon paxta tozalash zavodida 2022-yil oktabr oyida mavsum oldi amaliy taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi. O'quv mashg'ulotda Kasbi tumani IIB boshlig'i o'rribbosari, Kasbi tumani Favqulodda vaziyatlar bo'limi boshlig'i podpolkovnik Doniyorov Nurillo, tuman Favqulodda vaziyatlar qutqaruv guruhi, tuman shoshilinch tez tibbiy yordam bo'limi brigadasi hamda paxta tozalash zavodi, paxta qabul qilish punkti, biolaboratoriya, urug'lik chigitni dorilash sexining 103 nafar ishchi-xodimlari ishtirok etishdi. Natijada, ishtirok etgan xodimlar favqulodda vaziyat yuzaga kelganda qutqaruv, odamlarni xavfsiz joyga evakuatsiya qilish, yong'inni tezda o'chirish va birinchi yordam ko'rsatish usullarini amalda qo'llay olish to'g'risida ko'nikmaga ega bo'lishdi va bu taktik mashg'ulot bu holatlar sodir bo'lgan mahalda samarali qo'llaniladi.

O'quv mashg'ulotlari Qashqadaryo viloyati teleradiokanallari orqali ham mahalliy yangiliklarda yoritildi.

## "Indorama Agro" MChJ XK 2022-yil Oktabr oyi uchun Kadrlar bo'yicha Muhim Voqealar

Ishdan qoniqishning eng muhim ko'rsatkichlaridan biri bu ijobiy ish muhitiga ega bo'lishdir. Buni xodimlarning har kuni o'z ishlariga ko'tarinki kayfiyatda, xoxish bilan kelishlari va ishxonadagi muhit orqali ish joyi sifatida aniqlash mumkin. Bu, shuningdek, xodimlarning ishdan ketishini qisqartirishga va uzoqroq ish munosabatlari olib keladi. Hamkasblar bilan ijobiy muhit va sog'lom munosabatlarga ega bo'lish xodimlarning his-tuyg'ulari, fikrlari va harakatlariga ta'sir qiladi va bu uning muhimligining manbasidir. Agar kompaniya xodimlarga rahbariyat yoki hamkasblar bilan yaxshi muloqot qilish imkonini bersa, individual o'sish rejasi, ish va hayot muvozanati va minnatdorchilikka ega bo'lsa, ular hech qachon kompaniyani tark etmaydilar va sodiq qoladilar. "Indorama Agro" MChJ XK o'z xodimlari uchun ham xuddi shunday bo'lishiga intiladi va kompaniyadagi barcha uchun sog'lom muhit yaratishga harakat qiladi.

Oktyabr oyida BCI vakillari Qashqdaryodagi ofisimizga tashrif buyurishdi. Ular tashkilot ichidagi munosib mehnat bilan bog'liq barcha hujjatlarni ko'zdan kechirdilar. Bundan tashqari, ular turli xodimlar bilan muhokamalar olib borishdi. Ularning tashrif buyurishiga asosiy sabab xodimlarning muammolari, mehnat sharoitlarini aniqlashdir.



Menejment jamoasi vaqtiga vaqtiga bilan xodimlarni birlashtirishga undash, kuchli tomonlarini rivojlantirish uchun turli jamoaviy dam olishlarni tashkil qiladi. Shu bois Qashqdaryoda rahbariyat tomonidan o'zbek milliy taomlari "Osh"dan iborat maxsus kechki ovqat tashkil etildi, unda har bir xodim mazali taomlardan ta'tib ko'rdi.





Jahon banki Qashqadaryo viloyatidagi korxonamizga tashrif buyurdi. Ular shartnoma asosida fermerlar bilan mehnat sharoitlari va imkoniyatlari haqida suhbatlashdilar.



Vaqti-vaqt bilan HR jamoasi Kasaba uyushmalari vakillari bilan ish joyidagi ba'zi masalalar bo'yicha muhokamalar tashkil qiladi. Ushbu munozaralar doirasida ular xodimlarning intizomi va boshqa muammolarni hal qilishga harakat qilishadi.

Paxta yig'im-terim mavsumi boshlanishi bilan ko'plab ishchilar dalalarda astoydil mehnat qilmoqda. Shu munosabat bilan Indorama jamoasi paxta teruvchilarni maxsus sovg'alar bilan taqdirladi.

